

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ЭГАМБЕРДИЕВ ПУЛАТЖОН ЭРГАШОВИЧ

“УЗУМНИНГ ХЎРАКИ НАВЛАРИНИ ВОИШ УСУЛИДА
ЕТИШТИРИШДА КУРТАК ЮКЛАМАСИНИ УЗУМ ҲОСИЛДОРЛИГИ
ВА СИФАТИГА ТАЪСИРИ”

06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ–2023

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on agricultural
sciences**

Эгамбердиев Пулатжон Эргашович

Узумнинг хўраки навларини воиш усулида етиштиришда куртак юкламасини
узум ҳосилдорлиги ва сифатига таъсири.....3

Эгамбердиев Пулатжон Эргашович

Влияние нагрузки глазков на урожайность и качество столовых сортов
винограда при выращивании по системе воиш.....19

Egamberdiyev Pulatjon Ergashovich

Influence of budding loads on yield and quality in the cultivation of grape varieties
by voish method.....35

Эълон қилинган ишлари рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....39

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.
04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ЭГАМБЕРДИЕВ ПУЛАТЖОН ЭРГАШОВИЧ

УЗУМНИНГ ХЎРАКИ НАВЛАРИНИ ВОИШ УСУЛИДА
ЕТИШТИРИШДА КУРТАК ЮКЛАМАСИНИ УЗУМ ҲОСИЛДОРЛИГИ
ВА СИФАТИГА ТАЪСИРИ

06.01.07 – Мевачили ва узумчилик

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ–2023

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Qx.380 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш вебсаҳифаси(www.tdau.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Файзиев Жамолитдин Насирович қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Султонов Камолитдин Садритдинович қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Мирзахидов Бахтиёр Джалиддинович қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил 23 май соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-кават, Анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 54856 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс маркази биноси, Тел.: (99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2023 йил 10 май куни тарқатилди.
(2023 йил 12 апрелдаги 21-рақамли реестр баённомаси).

Э.Т.Бердиев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, қ.х.ф.д.,
профессор

М.З. Холмуротов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
қ.х.ф.ф.д., доцент

С.А.Юнусов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, қ.х.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё бўйича тоқзорларнинг умумий майдони 9,5-10 млн гектар даражасида барқарорлашди ва узум ишлаб чиқариш барқарор ўсиб, сўнгги йилларда 60-70 млн. тоннани ташкил этмоқда. Дунёда ишлаб чиқарилаётган узумнинг умумий миқдоридан 80-90% вино, шарбат ва бошқа маҳсулотларга ишлов бериш учун ишлатилади, 10% гача узум янги истеъмол қилинади ва 5-6% қуритиш учун ишлатилади. Дунё бўйича етиштирилган узумнинг ялпи ҳосилининг асосий қисми қуйидаги давлатлар улушига тўғри келади: «Хитой 13161 минг тонна, Италия 7170 минг тонна, АҚШ 6679 минг тонна, Франция 5916 минг тонна, Испания 5387 минг тонна, Туркия 4200 минг тонна, Ҳиндистон 2922 минг тонна, Чили 2000 минг тонна, Аргентина 1965 минг тонна, Эрон 1866 минг тонна, Австралия 1824 минг тонна ва Руминия мамлакатлари улушига тўғри келиб, узум ҳосилдорлиги ўртача 103,1 ц/га ни ташкил этмоқда»¹. Ҳозирги вақтда, дунёнинг узум етиштирувчи мамлакатларида узум ҳосилдорлигини оширишда янги навларни яратиш ва энг мақбул агротехник тадбирларини ишлаб чиқишга қатъий қаратилмоқда.

Дунё кишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи бўлган узумчилик соҳасини ривожлантиришга қаратилган илмий тадқиқотлар натижасида узум навларининг ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш учун энг яхши ўстириш усуллари, тоқ тупи куртак юкмаси мақбул меъёрлари ишлаб чиқилган. Тоқ тупи куртаклар ва новдалар мақбул юкмасини ўрганиш учун бир қатор олимлар томонидан узум етиштирадиган турли ҳудудларда тупларнинг ҳосилдорлигини оширишни таъминловчи куртаклар юкмасини мақбул меъёрларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу ишланмаларни маълум жой тупроқ-иқлим шароитлари ва қўлланилаётган нав хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда мақбуллаштириш узумчилик соҳасининг самарадорлигини сезиларли ошириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда узумнинг кишмишбоп ва шароббоп навларида тоқнинг тик симбағаз усулида етиштириш орқали узум ҳосилдорлигини ошириш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилган ва муайян натижаларга эришилган. Бироқ, узумнинг хўраки навларини воиш усулида етиштиришда куртак юкмасини узум ҳосилдорлиги ва сифатига таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмаган. Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 30-мақсадида «кишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баробарга ошириш, кишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш»² ҳамда туманларни аниқ маҳсулот турини етиштиришга, жумладан боғдорчиликка 46 та, узумчиликка 48 та туманни ихтисослаштириш, ушбу

¹ <https://uzwine.uz/main.php?lang=uz&page=grapeinworld>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон

туманларда плантацияли усулда 25 минг гектар мевали боғ, 50 минг гектар узумзор экилишини таъминлаш муҳим вазифа қилиб белгиланган. Бу борада узумнинг истокболли ўстириш усуллари танлаш, воиш усулида узум етиштиришда ток тупи куртак юкламаси меъёрларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқот ишларини кенгайтириш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга бўлган долзарб вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги ПҚ 4549-сон «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарори, 2018 йил 29 мартдаги ПФ-5388-сон «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фанва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

Узум навларининг ҳосили ва сифатини ошириш имконини берувчи узумнинг ток тупи куртак юкламаси меъёрларини ишлаб чиқиш ва улар асосида юқори ва сифатли ҳосил етиштириш масалалари бўйича изланишлар дунёдаги нуфузли илмий-тадқиқот марказлари ва муассасаларида, жумладан, Viticulture and Enology Research Center (АҚШ, Калифорния, W.M.Kliewer), Research Institute of Horticulture, Viticulture and Winemaking (Грузия, Howell. G.S), Instituto Nacional de Tecnología Agropecuaria (Аргентина, Poní S, Casalini), Research Institute of Viticulture, Winemaking and Fruitcrops (Арманистон,), Hochschule Geisenheim University (Германия, Smart R.E), Viticoleet Oenologique (Франция, П.Виала ва В.Верморел), Viticultural Research Institute Manisa (Туркия, Kozma Pall. A), Шимолий Кавказ боғдорчилик ва узумчилик илмий-тадқиқот институти, (Россия С.И.Коржинский)³ каби давлатларнинг олимлари илмий-тадқиқот институтларида тажрибалар олиб бориб юқори натижаларга эришмоқда.

Ўзбекистонда ишлаган кўплаб тадқиқотчилар узум ўстириш усулининг куртаклар юкламаси боғлиқлигига оид илмий-тадқиқотлар Д.И. Баулин, М.Г. Цетлин, А. Адылбеков, Н. Бузин, В.И.Гарбоч, Р.Ю. Солдатова, А. Мирзаев, Г.И. Хайдаркулов, М.Р. Мусамухаммедов, Ж.Н. Файзиев ва Ў.О. Очилдиев каби олимлар томонидан олиб борилган. Таъкидлаш жоизки, узум, асосан, тик симбағазли сўриларда етиштирилган ҳамда илмий тадқиқот ишлари шу усулда олиб борилган. Шу муносабат билан узумни воиш усулида

³<https://lex.uz/docs/4641164>

етиштириш ва куртак юкламаларининг ҳосилдорлигига таъсири ҳамда хўраки навларни воиш усулида етиштиришда физиологик ва биокимёвий жараёнларни куртак юкламасига боғлиқлиги бўйича мақбул меъёрларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда, уни ҳал этиш эса токзорлардан юқори ва сифатли ҳосил бўлиш имконини берувчи қатор муаммоли масалалар ечилишига имкон беради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълимнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети “Мевачилик ва узумчилик” кафедраси илмий-тадқиқот ишлари режасининг №12-1-2017 “Мева, резавор-мева ва узум етиштиришнинг такомиллашган усулларини ишлаб чиқиш технологиялари” (2017-2021 йиллар) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Узумнинг хўраки навларини воиш усулида етиштиришда ҳосилдорлиги ва сифатини оширишни таъминлашга имкон берувчи мақбул ток тупи куртак юкламасини ва хомтокнинг меъёрларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

узумнинг хўраки навларини воиш усулида етиштиришда ток тупи юкламасини танлаш;

ток тупидаги куртак юкламасини узумнинг хўраки навларининг фенологик фазалар ўтиш муддатларига, хўраки навларнинг ўзини ўзи чанглай олишига таъсирини аниқлаш;

ток тупи куртак юкламасининг узумнинг хўраки навлари узум боши ғужуми механик ва кимёвий таркибига ҳамда ҳосилдорликка таъсирини аниқлаш;

узумнинг хўраки навлари хомток қилишнинг фенологик фазаларни ўтиши муддатлари ва ҳосилдорлик кўрсаткичларига боғлиқлигини аниқлаш.

узумнинг хўраки навлари ҳосилдорлиги ва сифатининг хомток қилишга боғлиқлиги аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида узумнинг хўраки Ризамат, Хусайне белый ва Катта Кургон навлари 80-120, 120-160, 160-200, 200-240 ва 240-280 та куртак юкламалари ҳамда 25%, 50%, 75% ва 100% ҳосилсиз новдалар хомток қилинган меъёрлари хизмат қилган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб узумнинг хўраки навларининг ўсув даврларнинг ўтиши муддатлари, ток тупларида ҳосилли новдаларнинг ҳосилдорлик кўрсаткичлари, узум ғужумининг механик таркиби ва кимёвий хусусиятлари, умумий майдон ҳосилдорлиги ва узум ғужумининг асосий сифат кўрсаткичлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тажрибалар Х.Ч.Бўриев, Н.Ш.Енилеев ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган «Мевали ва резавор мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси», (2014), М.А.Лазаревскийнинг «Методы ботанического описания иагроботанического изучения сортов винограда» (1946), Н.Н.Простосердовнинг «Изучение винограда для определения его

использования» (1963), В.Ф.Моисейченконинг «Методика учетов и наблюдений в опытах с плодовыми и ягодными культурами» (1967) номли услубий адабиётларида келтирилган тавсия ва услублар бўйича ўтказилган, тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили «Excel 2010» ва «Statistica 7.0 for Windows» компьютер дастурларида, 0,95% ишончлилик оралиғи билан Б.А.Доспехов кўрсатган услуби бўйича ҳисобланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Хусайне белый, Ризамат ва Катта Кургон навларини воиш усулида етиштиришда 9-11 ёшли ток тупларига 160-200 та куртак қолдириб кесиш юқори натижа бериши аниқланган;

ток тупидаги куртак юкламасининг узумнинг хўраки навларини фенологик фазалари ўтиш муддатларига таъсири 125 кундан 216 кун оралиғида бўлиши аниқланган;

хўраки навларни ўзини-ўзи чанглай олишига ток туп куртак юкламаси 160-200 та қолдириб кесилганда 27,9 % дан 32,7% гача энг яхши кўрсаткичлари аниқланган;

ток туп куртак юкламасининг механик таркибига таъсири 160-200 та куртак қолдириб кесилганда Хусайне белый навида узум бошининг ўртача оғирлиги 355,8 г, Ризамат навида 422,3 г ва Катта Кургон навида 455,3 г чиқиши аниқланган;

ток туп куртак юкламасининг узум ғужуми шарбатининг кимёвий таркибига таъсири бўйича 160-200 та куртак қолдириб кесилганда ҳамда 50% ҳосилсиз новдалар хомток қилинган вариантда энг яхши қанддорлик ва кислоталилик Хусайне белый навида 22,3%, Ризамат навида 23,5%; ва Катта Кургон навида 22,5% бўлиши аниқланган;

ток туп куртак юкламаси бўйича энг яхши ҳосилдорлик кўрсаткичи 160-200 та куртак қолдириб кесилганда ва 50% ҳосилсиз новдалар хомток қилинган вариантда Хусайне белый навида назорат варианга нисбатан 28,7 ц/га, Ризамат навида 76,5 ц/га ва Катта Кургон навида 50,2 ц/га юқори бўлиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

узумнинг хўраки Хусайне белый, Ризамат ва Катта Кургон навлари ҳосилдорлиги назоратга нисбатан 160-200 та куртак юкламада Хусайне белый навида 17,1%, Ризамат навида 38,9% ва Катта Кургон навида 33,4 % гектарига юқори ҳосил олишга эришилган;

узумнинг хўраки Ризамат, Хусайне белый ва Катта Кургон навлари ҳосилдорлиги 50% ҳосилсиз новдалар хомток қилинганда назоратга нисбатан Хусайне белый навида 27,6%, Ризамат навида 29,1% ва Катта Кургон навида 15,1 % гектарига юқори ҳосил олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги лаборатория ва дала тажрибаларининг ҳар йили апробация кўригидан ўтказилганлиги; илмий-тадқиқот ҳисоботларининг муҳокама этилганлиги; тажриба маълумотларининг статистик таҳлил қилинганлиги ва олинган натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги; тадқиқот натижалари республика ва халқаро илмий-амалий

конференциялар, олинган натижалар асосида илмий нашрларда мақолалар чоп этилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти узумнинг хўраки Хусайне белый, Ризамат ва Катта Кургон навлари хўжалик-биологик хусусиятларининг баҳоланганлиги, хўраки узум Хусайне белый, Ризамат ва Катта Кургон навлари ҳосилдорлиги ва ҳосил сифатининг ток тупи куртак юкламаси ва хомтокга боғлиқлиги илмий асосланганлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти узумнинг хўраки Хусайне белый, Ризамат ва Катта Кургон навларининг ҳосилдорлиги ва ҳосил сифатини оширувчи ток тупи 160-200 та куртак юкламаси қолдириш ҳамда хомтокнинг 50% ҳосилсиз новдаларни хомток қилишнинг энг мақбул меъёрлари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Узумнинг хўраки навларини воиш усулида етиштиришда куртак юкламаларини ҳосилдорлик ва узум сифатини оширишга таъсири бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

узумнинг хўраки Катта Кургон навининг ҳосилдорлиги ва сифатига туп юкламасининг таъсири ишланмаси Сирдарё вилояти Сирдарё тумани “SIRDARYO SOHIBKORI” фермер хўжалигида 2,2 га майдонда жорий этилган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 13-апрелдаги №07/33-04/2245 сон маълумотномаси). Бунинг натижасида 160-200 куртак юкламали вариантда узумнинг хўраки Катта Кургон навидан гектарига 6,6 тонна қўшимча ҳосил етиштиришга эришилган, рентабеллик 160,4% ни ташкил этган;

узумнинг хўраки навлари ҳосилдорлиги ва сифатига туп юкламасининг таъсири ишланмаси Сирдарё вилояти Гулистон тумани “BOG’IMNING BOG’BONIMAN” фермер хўжалигида 0,7 га майдонда жорий этилган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 13-апрелдаги №07/33-04/2245 сон маълумотномаси). Бунинг натижасида ток тупида 160-200 та куртак қолдирилганда узумнинг Хусайне белый ва Ризамат навларидан гектарига 4-6 тонна қўшимча ҳосил етиштиришга эришилган, рентабеллик 64,9% дан 221,8% ни ташкил этган;

узумнинг хўраки навлари ҳосилдорлиги ва сифатига туп юкламасининг таъсири ишланмаси Тошкент вилояти Тошкент тумани "Карима мурувват агро" фермер хўжалигида 1,0 га майдонда жорий этилган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 13-апрелдаги №07/33-04/2245 сон маълумотномаси). Бунинг натижасида ток тупида 160-200 та куртак қолдириб кесилганда узумнинг Хусайне белый навидан гектарига 7,8 тонна қўшимча ҳосил етиштиришга эришилган, рентабеллик 150,3% ни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та, шу жумладан, 1 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий

аттестация комиссияси томонидан диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан 10 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат, диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи келтирилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ёритилган, тадқиқотнинг объекти, предмети ва усуллари келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробация ва тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва қисқача таркиби баён этилган.

Диссертациянинг **«Узумнинг ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш учун ток тупи куртаклар юкламаси меъёрларини қўллашнинг ҳозирги аҳволи ва ривожланиш истиқболлари»** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича хорижий ва республикамиз олимларининг ушбу мавзуда олиб борган илмий тадқиқотлари ва адабий манбалари шарҳланган. Бинобарин, узум ҳосилдорлиги ва сифатини ток тупи юкламасига боғлиқлигининг назарий асослари, ток тупини кесиш узунлиги ва ўсиш кучи турлича бўлган навлар учун тупларни ўстириш тизимига боғлиқлиги, юзасидан адабиётлар маълумотлари тавсифланган.

Диссертациянинг **«Тадқиқотни ўтказиш шароити ва услуби»** деб номланган иккинчи бобида ишлаб чиқилган мавзу юзасидан асосий дала тажрибалари олиб борилган жойнинг тупроқ-иқлим шароити, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва тажрибаларни ўтказиш услублари тавсифланган. Ушбу бобнинг **«Тадқиқот дастури ва услублари»** бўлимида ишлаб чиқилган мавзу юзасидан ҳар бир алоҳида тажрибанинг ўтказилиш услублари, дала тажрибаларини олиб бориш схемалари, тажриба ўсимликларининг ўсиши ва ривожланишини ўрганишда қўлланилган фенологик кузатувлар ва биометрик ҳисоблар, лаборатория таҳлиллари, шунингдек тажриба маълумотларига математик ва статистик ишлов бериш тартиби баён этилган.

Диссертациянинг **«Воиш усулида ўстиришда узумнинг хўраки навларини ҳосилдорлиги ва сифатини ток туп юкламасига боғлиқлиги»** деб номланган учинчи бобида, узумнинг хўраки навларини воиш усулида ҳар хил юкламаларда ўстиришда юқори сифатли, экспортбоп узум ишлаб

чиқариш имконини берувчи ток тупи юкламаси аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Ушбу бобнинг “Туплар катталиги ва уларнинг морфологик хусусиятлари” деб номланган бўлимда узумнинг ўрганилган навлари тупининг морфологик кўрсаткичлари ўрганилган. Тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, Олиб борилган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, узумнинг хўраки Хусайне белый навида тупларнинг ассимиляция юзаси энг кам кўрсаткич (назорат) вариантда 14,6 м² ни ташкил қилган бўлса, тупларнинг ассимиляция юзаси энг кўп кўрсаткичи эса 160-200 та куртак юкламали ток тупида 16,8 м² ни ташкил қилиши кузатилди, қолган вариантларда тупларнинг ассимиляция юзаси 13,5 м² дан 14,9 м² гача бўлиши аниқланди. Узумнинг хўраки Ризамат навида тупларнинг ассимиляция юзаси энг кам кўрсаткич (назорат) вариантда 14,3 м² ташкил қилган бўлса, энг кўп кўрсаткич эса 160-200 та куртак юкламали ток тупларнинг ассимиляция юзаси 19,3 м² бўлиши қайд этилди. Қолган вариантларда эса 14,2 м² дан 14,5 м² гача бўлиши

1-жадвал

Воиш усулида узумнинг хўраки навларини вегетация фазаларининг ўтиш муддатлари (2018-2020 йиллар)

Т / р	Вариантлар	Куртакларнинг бўртиши	Гул-лаш	Ғужумларнинг пишиши	Ғужумларнинг тўлиқ пишиши	Вегетация даври давомийлиги, кун
Хусайне белый						
1	80-120 дона куртак (назорат)	20/III	16/V	11/VIII	21/VIII	154
2	120-160 дона куртак	20/III	16/V	14/VIII	24/VIII	157
3	160-200 дона куртак	21/III	17/V	15/VIII	25/VIII	157
4	200-240 дона куртак	21/III	17/V	15/VIII	22/VIII	155
5	240-280 дона куртак	21/III	17/V	16/VIII	28/VIII	161
Ризамат						
1	80-120 дона куртак (назорат)	23/III	21/V	14/IV	28/IV	128
2	120-160 дона куртак	23/III	21/V	15/IV	28/IV	128
3	160-200 дона куртак	25/III	22/V	16/IV	29/IV	127
4	200-240 дона куртак	25/III	22/V	16/IV	28/IV	126
5	240-280 дона куртак	26/III	23/V	18/IV	28/IV	125
Катта Курган						
1	80-120 дона куртак (назорат)	20/III	17/V	13/X	23/X	213
2	120-160 дона куртак	20/III	17/V	14/X	24/X	214
3	160-200 дона куртак	21/III	18/V	15/X	22/X	211
4	200-240 дона куртак	21/III	18/V	16/X	27/X	216
5	240-280 дона куртак	22/III	19/V	17/X	27/X	216


аниқланди. Узумнинг Катта Кургон навида тупларнинг ассимиляция юзаси энг кам кўрсаткич (назорат) вариантда 14,4 м² ташкил қилган бўлса, энг кўп кўрсаткич эса 160-200 та куртак юклагани ток тупларнинг ассимиляция юзаси 18,1 м² бўлиши қайд этилди. Қолган вариантларда эса 14,1 м² дан 14,9 м² гача бўлиши аниқланди.

“Узумнинг хўраки навларида вегетация фазаларининг ўтиш муддатлари” деб номланган бўлимида узумнинг ўрганилган хўраки навлари ўсимликларида вегетация фазаларини ўтиш муддатлари ва уларнинг давомийлиги ўрганилган.

Кузатувлар натижасида куртакларнинг бўрта бошлашидан ғужумларнинг тўлиқ пишишигача бўлган вегетация даврининг давомийлиги Ризамат 125-128 кунни, Хусайне белый навида 154-161 кун ва Катта Кургон навида 211-216 кунни ташкил этиши аниқланди (1-жадвал).

“Воиш усулида узумнинг хўраки навларини ҳосилдорлик кўрсаткичлари” деб номланган бўлимида узумнинг хўраки Хусайне белый навида ҳосилдорлик кўрсаткичи энг юқори 160-200 та куртак юклагани ток тупида 43 донани ташкил этган бўлса, энг кам кўрсаткич 80-120 та ток тупи куртак юклаганида кузатилди. Қолган вариантларда 33,2 донадан 40 донга оралиғида бўлиши аниқланган.

Узумни хўраки Ризамат ҳосилдорлик кўрсаткичи энг юқори ток тупи 160-200 та куртак юклагани вариантда 42 донани ташкил этган бўлса, энг кам кўрсаткич 80-120 та ток тупи куртак юклаганида 29,5 донга кузатилди. Қолган вариантларда 30,3 донадан 36,3 донга оралиғида қайд этилди (1-расм).



1- расм. Воиш усулида узумнинг хўраки Ризамат нави ҳосилдорлик кўрсаткичлари

Узумнинг хўраки Катта Кургон ҳосилдорлик кўрсаткичи энг юқори 160-200 та ток тупи қолдирилган вариантда 42,5 донани ташкил этган бўлса, энг

кам кўрсаткич 80-120 та ток тупи куртак юкламасида 35,5 дона кузатилди. Қолган вариантларда 35,7 донадан 39,2 дона оралиғида қайд этилди.

“Узумнинг хўраки навларини воиш усулида етиштирганда физиологик ва биокимёвий жараёнларни куртак юкламасига корреляцион боғлиқлиги” деб номланган бўлимида узум барглари ва меваларида кечадиган физиологик ва биокимёвий жараёнлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

2-жадвал

Хураки узум навларнинг воиш усулида етиштирганда механик таркибига куртак юкламасининг таъсири (2018-2020 йй.)

№	Вариантлар	Узум бошининг ўртача оғирлиги, г	Узум боши ўлчами		Узум бошининг эти ва шарбати, %	Узум бошининг банди, %	Узум ғужумининг пусти, %	Узум ғужумининг уруги, %
			узунлиги, см	эни, см				
Хусайне белый нави								
1	80-120 дона куртак (назорат)	340,5± 4,3	23,1± 1,7	11,1± 1,1	90,7	3,7	0,4	5,2
2	120-160 дона куртак	345,1± 4,3	24,2± 1,7	12,4± 1,2	90,8	3,4	0,4	5,2
3	160-200 дона куртак	355,8± 4,4	24,4± 1,8	15,1± 1,2	91,0	3,6	0,4	5,0
4	200-240 дона куртак	353,7± 4,4	24,3± 1,8	13,5± 1,3	88,9	3,9	0,4	6,8
5	240-280 дона куртак	343,7± 4,5	24,3± 1,9	12,7± 1,3	89,4	3,7	0,5	6,4
	ЭКФ ₀₅	2,2	0,4	0,2				
	Sx	0,36	0,07	0,03				
Ризамат нави								
1	80-120 дона куртак (назорат)	372,0± 4,0	16,2± 0,7	11,4± 1,0	87,3	5,5	0,5	6,7
2	120-160 дона куртак	392,8± 4,1	16,4± 0,7	13,5± 1,1	87,7	5,2	0,5	6,6
3	160-200 дона куртак	422,3± 4,1	18,3± 0,8	14,5± 1,2	88,1	4,8	0,4	6,7
4	200-240 дона куртак	408,2± 4,2	18,0± 0,9	14,5± 1,3	87,1	5,1	0,6	7,2
5	240-280 дона куртак	405,8± 4,3	17,2± 0,9	13,6± 1,3	87,7	5,0	0,6	6,7
	ЭКФ ₀₅	3,3	0,2					
	Sx	0,54	0,04					
Катта Кургон нави								
1	80-120 дона куртак (назорат)	440,4± 3,8	28,4± 0,9	21,0± 1,0	90,3	3,9	0,4	5,4
2	120-160 дона куртак	446,9± 3,9	28,3± 0,9	21,8± 1,0	90,3	3,8	0,5	5,4
3	160-200 дона куртак	455,3± 4,0	30,6± 1,0	22,4± 1,1	90,5	3,5	0,5	5,5
4	200-240 дона куртак	436,7± 4,1	28,1± 1,1	21,1± 1,2	90,1	3,7	0,5	5,7
5	240-280 дона куртак	424,5± 4,2	26,4± 1,1	20,6± 1,2	89,3	4,7	0,4	5,6
	ЭКФ ₀₅	2,95	0,58	0,62				
	Sx	0,48	0,10	0,10				

“Узумнинг хўраки навларини воиш усулида етиштирганда ўзини ўзи чанглай олишига куртак юкламасининг боғлиқлиги” деб номланган бўлимида узумнинг хўраки Хусайне белыйнави хар ҳил куртак юкламасининг ўзини ўзи чанглай олишига боғлиқлиги ўрганилганда энг кўп гулларнинг умумий сони 160-200 такуртакли ток тупида 32,7%, Ризамат навида 31,0% ва Катта Кургон навида 27,9% бўлиши қайд этилган.

“Воиш усулида ўстирганда узумнинг хўраки навлари механик таркиби ва шарбатини кимёвий таркибининг куртак юкламасига боғлиқлиги” деб номланган бўлимида узумнинг хўраки навлари узум боши ва ғужумининг механик таркиби таҳлил қилинган ва ғужум шарбатининг биокимёвий таркиби аниқланган. Узумнинг хўраки Хусайне белый навини воиш усулида

етиштирганда куртак юкламаларининг механик таркибига таъсири ўрганилди. Тадқиқот натижалари куйидагича бўлди: Узум бошининг энг юқори оғирлиги 160-200 та куртак юкламали ток тупида 355,8 г, энг кам оғирлиги ток тупи 80-120 та куртак (назорат) вариантда 340,5 г чиқиши кузатилди. Қолган вариатларда узум бошининг оғирлиги 340,5-353,7 г оралиғида бўлиши қайд этилди.

Ризамат навини воиш усулида етиштирганда куртак юкламаларининг механик таркибига таъсири ўрганилди. Узум бошининг энг юқори оғирлиги 160-200 та куртак юкламали ток тупида 422,3 г, энг кам оғирлиги ток тупи 80-120 та куртак (назорат) юкламали вариантда 372,0 г чиқиши кузатилди. Қолган вариатларда узум бошининг оғирлиги 392,8-408,2 г оралиғида бўлиши кузатилди. Катта Кургон навини Узум бошининг энг юқори оғирлиги 160-200 та куртак юкламали ток тупида 455,3 г, энг кам оғирлиги ток тупи 240-280 та куртак юкламали вариантда 424,5 г бўлди. Қолган вариантларда узум бошининг оғирлиги 424,5-446,9 г оралиғида бўлиши қайд этилди

Хўраки узум навларидан юқори ва сифатли ҳосил олишнинг асосий омилларидан бири унинг навига боғлиқлигидир. Ҳосил сифати ва узум бошларининг кимёвий таркиби навларнинг биологик хусусияти ва етиштириш технологияларига ҳам боғлиқ бўлади.

Хўраки Хусайне белыйнавини узум боши шарбатининг энг юқори қанддорлик ток тупи 80-120 та куртак юкламали ток тупида 23,2% аниқланган бўлса, кислоталилиги эса ток тупи 240-280 та куртак юкламали вариантда 4,8 г/л ташкил қилди. Энг кам қанддорликни эса ток тупи 240-280 та куртак юкламали вариантда 19,9%, кислоталилик эса 80-120 куртак юкламали ток тупида 4,2 г/л ни ташкил қилиши қайд этилди.

Узумнинг хўраки Ризамат навини узум боши шарбатининг энг юқори қанддорлик ток тупи 160-200 та куртак юкламали ток тупида 23,5% аниқланган, кислоталилик эса ток тупи 240-280 та куртак юкламали вариантда 4,6 г/л ташкил қилди. Энг кам қанддорликни эса ток тупи 240-280 та куртак юкламали вариантда 19,4 % бўлган бўлса, кислоталилик эса 120-160 куртак юкламали ток тупида 4,0 г/л ни ташкил қилиши қайд этилди.

Узумни хўраки Катта Кургон нави узум боши шарбатининг энг юқори қанддорлик ток тупи 160-200 та куртак юкламали ток тупида 22,5% аниқланади, кислоталилик эса ток тупи 240-280 та куртак юкламали вариантда 3,6 г/л ташкил қилди. Энг кам қанддорликни эса ток тупи 240-280 та куртак юкламали вариантда 20,3% бўлган бўлса, кислоталилик эса 160-200 куртак юкламали ток тупида 3,2 г/л ни ташкил қилиши қайд этилди

“Узумнинг касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиги” деб номланган бўлимида оидумга қарши ток тупларини барги, узум боши ва яшил новдаларни зарарланиш даражаси аниқланган. Зарарланиш даражаси энг юқори Хусайне белый, Ризамат ва Катта Кургон навларида Ток тупи 240-280 та куртак юкламали вариантда 3,1 баллдан 3,2 баллгача зарарланиш кузатилган бўлса, қолган вариантларда 1,4 баллдан 2,9 балл оралиғида бўлиши аниқланган.

Хураки навларнинг ҳосилдорлиги ва кимёвий таркибига куртак юкламасининг таъсири (2018-2020 йй.)

№	Вариантлар	Тупдаги узум бошлар сони, дона	Тупдаги ҳосил, кг	Қандлилиги, %	Кислота-лилиги, г/л
Хусайне белый нави					
1	80-120 дона куртак (назорат)	32,2± 1,0	10,9± 0,2	23,2	4,2
2	120-160 дона куртак	35,7± 1,2	12,3± 0,3	22,2	4,5
3	160-200 дона куртак	43,0± 1,2	15,2± 0,4	22,3	4,3
4	200-240 дона куртак	34,2± 1,3	12,1± 0,5	21,3	4,6
5	240-280 дона куртак	33,2± 1,4	11,4± 0,6	19,9	4,8
	ЭКФ05=	3,0	0,1		
	Sx=	0,49	0,02		
Ризамат нави					
1	80-120 дона куртак (назорат)	32,5± 1,1	12,1± 0,1	19,5	4,3
2	120-160 дона куртак	36,3± 1,2	14,3± 0,2	22,7	4,0
3	160-200 дона куртак	42,0± 1,3	17,7± 0,3	23,5	4,2
4	200-240 дона куртак	30,5± 1,3	12,5± 0,4	19,5	4,5
5	240-280 дона куртак	30,3± 1,4	12,3± 0,5	19,4	4,6
	ЭКФ05=	2,0	0,3		
	Sx=	0,3	0,0		
Катта Кургон нави					
1	80-120 дона куртак (назорат)	35,7± 1,0	15,7± 0,2	21,3	3,3
2	120-160 дона куртак	39,2± 1,1	17,5± 0,3	22,4	3,3
3	160-200 дона куртак	42,5± 1,2	19,3± 0,4	22,5	3,2
4	200-240 дона куртак	37,7± 1,3	16,4± 0,5	22,4	3,4
5	240-280 дона куртак	37,5± 1,4	15,9± 0,5	20,3	3,6
	ЭКФ05=	3,1	0,5		
	Sx=	0,51	0,51		

“Узумнинг хўраки навлари воиш усулида етиштирганда ҳосилдорлигининг куртак юкламасига боғлиқлиги” деб номланган бўлимида Хусайне белыйнавида энг юқори ҳосилдорлик 160-200 куртак юкламали ток тупи 169,9ц/га эришилган, энг кам ҳосилдорлик 121,8 ц/га 80-120 куртак юкламали ток тупида қайд этилди. Қолган вариантларда ҳосилдорлик кўрсаткичи 126,7 ц/га дан 138,8 ц/га бўлиши аниқланди.

Узумнинг Ризамат навида энг юқори ҳосилдорлик 160-200 куртак юкламали ток тупи 197,1ц/га эришилган бўлса, энг кам ҳосилдорлик 134,3 ц/га

ток тупи 80-120 та куртак (назорат) вариантда қайд этилди. Қолган вариантларда ҳосилдорлик кўрсаткичи 134,3 ц/га дан 158,4 ц/га бўлиши аниқланди.

Узумнинг Катта Кургон навида энг юқори ҳосилдорлик 160-200 куртак

юкламали ток тупи 214,9ц/га эришилган, энг кам ҳосилдорлик 174,6 ц/га ток тупи 80-120 та куртак юкламали (назорат) вариантда қайд этилди. Қолган вариантларда ҳосилдорлик кўрсаткичи 176,8 ц/га дан 194,6 ц/га бўлиши аниқланди (4-жадвал).

4-жадвал

Ток туп куртак юкламасини ҳосилдорлигига таъсири (2018-2020 йй.)

№	Вариантлар	Тупдаги узум бошлар сони, дона	Узум бошининг ўртача оғирлиги, г	Тупнинг ўртача ҳосили, кг	Ҳосилдорлик, ц/га
Хусайне белый нави ҳосилдорлиги					
1	80-120 дона куртак (назорат)	32,2± 1,0	340,5± 4,3	10,9± 0,2	121,8± 4,3
2	120-160 дона куртак	35,7± 1,2	345,1± 4,3	12,3± 0,3	136,8± 4,3
3	160-200 дона куртак	43,0± 1,2	355,8± 4,4	15,2± 0,4	169,9± 4,4
4	200-240 дона куртак	34,2± 1,3	353,7± 4,4	12,1± 0,5	134,3± 4,4
5	240-280 дона куртак	33,2± 1,4	343,7± 4,5	11,4± 0,6	126,7± 4,5
	ЭКФ ₀₅	3,0	2,2	0,1	1,5
	Sx	0,49	0,49	0,02	0,2
Ризамат нави ҳосилдорлиги					
1	80-120 дона куртак (назорат)	32,5± 1,1	372,0± 4,0	12,1± 0,1	134,3± 4,0
2	120-160 дона куртак	36,3± 1,2	392,8± 4,1	14,3± 0,2	158,4± 4,1
3	160-200 дона куртак	42,0± 1,3	422,3± 4,1	17,7± 0,3	197,1± 4,1
4	200-240 дона куртак	30,5± 1,3	408,2± 4,2	12,5± 0,4	138,3± 4,2
5	240-280 дона куртак	30,3± 1,4	405,8± 4,3	12,3± 0,5	136,6± 4,3
	ЭКФ ₀₅	2,0	3,3	0,3	3,5
	Sx	0,3	0,5	0,0	0,6
Катта Қургон нави ҳосилдорлиги					
1	80-120 дона куртак (назорат)	35,7± 1,0	440,4± 3,8	15,7± 0,2	174,6± 3,8
2	120-160 дона куртак	39,2± 1,1	446,9± 3,9	17,5± 0,3	194,6± 3,9
3	160-200 дона куртак	42,5± 1,2	455,3± 4,0	19,3± 0,4	214,9± 4,0
4	200-240 дона куртак	37,7± 1,3	436,7± 4,1	16,4± 0,5	183,2± 4,1
5	240-280 дона куртак	37,5± 1,4	424,5± 4,2	15,9± 0,5	176,8± 4,2
	ЭКФ ₀₅	3,1	3,3	0,5	5,4
	Sx	0,51	0,51	0,51	0,90

“Узумнинг хўраки навларини воиш усулида етиштиришда туп юкламасининг иқтисодий самарадорлиги” деб номланган бўлимида узумнинг хўраки навларини етиштиришда қўлланилган туп юкламасининг иқтисодий самарадорлиги бўйича таҳлилий маълумотлар келтирилган.

Тажрибаларнинг иқтисодий самарадорлиги натижалари шуни кўрсатдики, узумнинг хўраки Хусайне белый навида 160-200 та куртак юкламада энг юқори соф фойда 26767,2 минг сўм, энг кам соф фойда 80-120 та куртак юкламали ток тупида 19189,2 минг сўмни ташкил қилди.

Узумнинг хўраки Ризамат навида эса 160-200 куртак юкламали ток тупида энг юқори соф фойда 102492,0 минг сўмни ва рентабеллик 221,8% ни ташкил қилди, энг кам кўрсаткич ток тупи 80-120 та куртак юкламали назорат вариантда соф фойда 69836,0 минг сўм ва рентабеллиги 124,2 % ташкил қилиши аниқланди. Узумнинг хўраки Катта Қургон навида энг юқори иқтисодий самарадорлик соф фойда 160-200 та куртак юкламали ток тупида

89778,7 минг сўм, рентабеллик эса 274 % ташкил қилган бўлса, энг кам кўрсаткич ток тупи 80-120 та куртак юкламали назорат варианда соф фойда 67486,5 минг сўмни ташкил қилган бўлса, рентабеллик даражаси 210,6 % кўрсаткичда бўлиши аниқланди.

Диссертациянинг «Узумнинг хўраки навларини воиш усулида етиштиришда узум ҳосилдорлиги ва сифатини хомток қилиш меъёрларига боғлиқлиги» деб номланган тўртинчи бобида узумнинг хўраки навлари хомток қилиш меъёрини аниқлаш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.

Хусусан, ушбу бобнинг “Узумнинг хўраки навлари фенологик фазаларни ўтиши муддатлари ва ҳосилдорлик кўрсаткичларинихомток қилиш меъёрларига боғлиқлиги” деб номланган бўлимида Хусайне белый, Ризамат ва Катта Кургон навларида назоратга нисбатан фенофазаларнинг бошланиш муддати мос ҳолда 1-7 ва 1-5 кунга фарқланди. Хусайне белый, Ризамат ва Катта Кургон навларида ток тупларида куртакларнинг бўртишидан пишишгача бўлган давр давомийлиги тажриба вариантларида 2-12 кунга камроқ бўлиши аниқланди. Ҳосилдорлик кўрсаткичларини хомтоқга боғлиқлиги ўрганилганда Хусайне белый навида жами ҳосилли новдалар назорат вариантдан 50 % хомток қилинган вариантда 7,0%, Ризамат навида 11,0% ва Катта Кургон навида 8,9% юқори бўлиши аниқланган.

Ушбу бобнинг “Узумнинг хўраки навлари ҳосилдорлиги ва сифатининг хомток қилишга боғлиқлиги” деб номланган бўлимда ҳосилдорлик кўрсаткичи 50% хомток қилнган вариантда барча навларда назорат вариантдан Хусайне белый навида 4,0%, Ризамат навида 8,2% ва Катта Кургон навида 5,9 % юқори бўлиши қайд этилган.

Хомток қилиш узумнинг кимёвий таркибига таъсири ўрганилганда энг юқори кўрсаткич назорат вариантда 50 % ҳосилсиз новдалар хомток қилинган вариантда назорат вариантдан Хусайне белый навида қандлилик 5,2% кўп, кислоталилик 0,9 г/л кам, Ризамат навида қандлилик 4,9% кўп, кислоталилик 0,9% кам ва Катта Кургон навида қандлилик 3,3% кўп, кислоталилик 0,7% кам бўлиши кузатилган. Хусайне белый навида 50% хомток қилинган вариантда назорат вариантга нисбатан узумбошининг оғирлиги 11,6%, Ризамат навида 15,6% ва Катта Кургон навида 6,3% юқори бўлиши кузатилган бўлса, ҳосилдорлик Хусайне белый навида назорат вариантдан 26,4 %, Ризамат навида 29,1 % ва Катта Кургон навида 15,1 % юқори бўлиши аниқланган.

Ушбу бобнинг “Узумни воиш усулида етиштиришда хўраки навларни хомток қилишнинг иқтисодий самарадорлиги” деб номланган бўлимда тавсия этилган хомтоқнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш юзасидан амалга оширилган тажриба маълумотлар келтирилган. Тажриба маълумотларининг кўрсатишича, ҳар хил меъёрда хомток қилиш узумнинг хўраки навларини етиштиришнинг рентабеллик даражаси Хусайне белый, Ризамат ва Катта Кургон навларида навларида хомтоқнинг 50% бўлганда энг юқори бўлиши қайд этилди. Ушбу хомток меъёрида маҳсулот етиштиришнинг иқтисодий рентабеллиги мос ҳолда 130,2%, 148,9% ва 220,3% ни ташкил этди.

ХУЛОСАЛАР

1. Узумнинг хўраки навларини воиш усулида етиштиришда занг ва новдалар узунлиги 160-200 куртак юкламаси қолдирилганда назоратга нисбатан Хусайне белый навида (16,4%), Ризамат навида (13,1%) ва Катта Кургон навида (16,9%) юқори бўлиши қайд этилди.

2. Узумнинг хўраки навларини вегетация даврининг давомийлиги энг кам Хусайне белый навида (154 кун), Ризамат (125 кун) ва Катта Кургон навида (211 кунни) ва энг кўп (161-128-216 кунни) ташкил қилади.

3. Узумнинг хўраки навлари 160-200 та куртак юкламада Хусайне белый навида ҳосилдорлиги 7,1 %, Ризамат навида 29,8 % ва Катта Кургон 17,8 % юқори бўлди. Ток тупидаги ҳосилсиз новдалар 50 % хомток қилинганда Хусайне белый навида 20%, Ризамат навида, 28,9% ва Катта Кургон навида 18,9 % ҳосилли новдалар кўп бўлиши қайд этилди.

4. Узумнинг хўраки навларини ўзини ўзи чанглай олиши 160-200 куртак юкламасида Хусайне белый навида 32,7 %, Ризамат навида 31,0 % ва Катта Кургон навида 27,9 % юқори бўлди.

5. Узумнинг хўраки навлари 160-200 та куртак юкламасида Хусайне белый навини узум бошининг оғирлиги 10,7 %, Ризамат навида 12,9 % ва Катта Кургон навида 8,2 % юқори бўлиши қайд этилди.

6. Узумнинг хўраки навлари 160-200 та куртак юкламасида Хусайне белый навида қандлилиги 2,6%, Ризамат навида 4,4 % ва Катта Кургон навида 2,7% юқори бўлди. Узумнинг хўраки навлари 50% ҳосилсиз новдалар хомток қилинганда Хусайне белый навида қандлилиги 5,2 % юқори, кислоталилиги эса 0,9 г/л кам бўлиши, Ризамат навида қандлилик 4,6%, юқори, кислоталилик эса 0,9 г/л кам бўлиши ва Катта Кургон навида қандлилик 3,3 % юқори, кислоталилик эса 0,7 % кам бўлди.

7. Узумнинг хўраки навлари воиш усулида 160-200 та куртак юкламаси қолдирилганда Хусайне белый навида ҳосилдорлик 16,9 %, Ризамат навида 38,2 % ва Катта Кургон навида 23,4 % юқори бўлиши қайд этилди. Хўраки навлари ҳосилдорлиги 50 % ҳосилсиз новдалар хомток қилинганда Хусайне белый навида 26,3 %, Ризамат навида 28,1 % ва Катта Кургон навида 15,1 % юқори бўлди.

8. Узумни хўраки навларини воиш усулида етиштиришда 160-200 та куртак юкламасида иқтисодий рентабеллиги Хусайне белый навида 16,9%, Ризамат навида 38,2 % ва Катта Кургон навида 23,4% юқори бўлиши аниқланди. Хўраки навларини 50 % ҳосилсиз новдалар хомток қилинганда рентабеллик даражаси Хусайне белый навида 56,1 %, Ризамат навида 60,3 % ва Катта Кургон навида 43,8 % юқори бўлиши қайд этилди.

9. Узумнинг хўраки навларини воиш усулида етиштиришга ихтисослашган узумчилик фермер хўжаликларига:

токзорларнинг ҳосилдорлиги ва ғужум сифатини энг юқори ошириш учун 160-200 та куртак юкламасини бериш ва ток тупларидаги ҳосилсиз новдаларини 50 % хомток қилиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ЭГАМБЕРДИЕВ ПУЛАТЖОН ЭРГАШОВИЧ

**ВЛИЯНИЕ НАГРУЗКИ ГЛАЗКОВ НА УРОЖАЙНОСТЬ И КАЧЕСТВО
СТОЛОВЫХ СОРТОВ ВИНОГРАДА ПРИ ВЫРАЩИВАНИИ ПО
СИСТЕМЕ ВАИШ**

06.01.07 – Плодоводство и виноградарство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФСКИХ НАУК (PhD) ПО
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2019.1.PhD/Qx.380

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.tdau.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Файзиев Жамолитдин Насирович доктор сельскохозяйственных наук, профессор
Официальные оппоненты:	Султонов Камолитдин Садриддинович доктор сельскохозяйственных наук, профессор Мирзахидов Бахтиёр Джалилдинович кандидат сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник
Ведущая организация:	Научно-исследовательский институт генетических ресурсов растений

Защита диссертации состоится «23» мая 2023 года, в 9⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, г.Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag_info@edu.uz. Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1 этаж, конференц. зал).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована за номером № 548556) (Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43

Автореферат диссертации разослан «10» мая 2023 года
(реестр протокола рассылки номер № 21 от «12» апреля 2023 года)

Э.Т.Бердиев
Председатель научного совета
по присуждению учёных
степеней, д.с.-х.н., профессор.

М.З.Холмуротов
Учёный секретарь научного
совета по присуждению учёных
степеней, д.ф.с/х.н., доцент

С.А.Юнусов
Председатель научного
семинара при научном совете
по присуждению учёных
степеней, д.с.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ(аннотация диссертации доктора философии (PhD)

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире общая площадь под виноградниками стабилизировалась на уровне 9,5-10 миллионов гектаров, а производство винограда неуклонно растет, в последние годы составляет 60-70 млн. тонн. 80-90% от общего количества производимого в мире винограда используется для выработки вина, сока и другой продукции, до 10% винограда употребляется в свежем виде, и 5-6% используется для сушки. Из выращенного в мире винограда основная часть валового сбора приходится на долю следующих государств: Китай -13161 тыс. тонн, Италия – 7170 тыс. тонн, США – 6679 тыс. тонн, Франция – 5916 тыс. тонн, Испания – 5387 тыс. тонн, Турция – 4200 тыс. тонн, Индия – 2922 тыс. тонн, Чили – 2000 тыс. тонн, Аргентина – 1965 тыс. тонн, Иран – 1866 тыс. тонн, Австралия – 1824 тыс. тонн и Румыния – 1376 тыс. тонн, при этом урожайность винограда составляет в среднем 103,1 ц/га¹. В настоящее время в странах, выращивающих виноград, считаются актуальной проблемой вопросы выведения новых сортов, разработки самых оптимальных агротехнических мер по повышению урожайности винограда.

В результате научных исследований, направленных на развитие сектора виноградарства, являющегося важной отраслью мирового сельского хозяйства, разработаны лучшие методы выращивания для повышения урожайности и качества сортов винограда, оптимальные нормы нагрузки глазков виноградного куста. С целью изучения оптимальной нагрузки побегов и ветвей винограда рядом ученых проводятся научные исследования по определению оптимальных норм нагрузки побегов, обеспечивающих повышение продуктивности виноградной лозы в различных районах выращивания винограда. Оптимизация этих разработок исходя из почвенно-климатических условий определенного места и характеристик используемых сортов, позволит существенно повысить эффективность отрасли виноградарства.

В последние годы в Республике Узбекистан проведены научные исследования по повышению урожайности винограда путем выращивания лозы кишмишных и винных сортов методом вертикального сымбагаза и достигнуты определенные результаты. Однако исследований по изучению влияния нагрузки почек на урожайность и качество винограда при возделывании столовых сортов винограда методом войша не проводилось. В 30-цели Стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы “увеличение доходов дехкан и фермеров как минимум в два раза с обеспечением ежегодного роста объемов сельского хозяйства не менее чем на 5 процентов за счет интенсивного развития сельского хозяйства и применения передовых достижений науки»², а также специализация районов

¹ <https://uzwine.uz/main.php?lang=uz&page=grapeinworld>

² Указ Президента Республики Узбекистан “О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы” от 28.01.2022 г. За № УП-60. <https://lex.uz/uz/docs/5841077>

по выращиванию отдельных видов продукции, в том числе 46 районов по садоводству, 48 районов по виноградарству, с обеспечением посадки в этих районах 25 тыс. га фруктовых садов и 50 тыс. га виноградников обозначена как важная задача. В связи с этим выбор перспективных методов выращивания винограда, расширение научно-исследовательских работ по определению норм нагрузки глазков виноградного куста при выращивание винограда способом воиша является актуальной задачей, имеющей как теоретическое, так и практическое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан от 11 декабря 2019 года № ПП-4549 «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию плодоовощеводства и виноградарства, созданию в отрасли цепочки добавленной стоимости», в Указе Президента Республики Узбекистан от 29 марта 2018 года № УП-5388 «О дополнительных мерах по ускоренному развитию плодоовощеводства в Республике Узбекистан», а также в других нормативно-правовых документах, относящихся к данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Исследования по вопросам разработки норм нагрузки глазков виноградного куста, способствующих увеличению урожая и качества сортов винограда, и получения на их основе высокого и качественного урожая проводятся в таких ведущих мировых научно-исследовательских центрах и организациях, как: Viticulture and Enology Research Center (США, Калифорния, W.M.Kliewer), Research Institute of Horticulture, Viticulture and Winemaking (Грузия, Howell. G.S), Instituto Nacional de Tecnología Agropecuaria (Аргентина, Poni S, Casalini), Research Institute of Viticulture, Winemaking and Fruit crops (Армения), Hochschule Geisenheim University (Германия Smart R.E), Viticole et Oenologique (Франция, П.Виала ва В.Верморел), Viticultural Research Institute Manisa (Турция, Kozma Pall. A), Северо-Кавказский научно-исследовательский институт садоводства и виноградарства (Россия, С.И.Коржинский)³.

